

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"O'zparavtotrans" AJ

Объявление

"O'ZPARAVTOTRANS" AKSIYADORLIK JAMIYATI

"O'ZPARAVTOTRANS" AJ BOШКАРУВ РАИСИНИНГ МОЛИЯ БУЙИЧА УРИНБОСАРИ
ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ

ЭЪЛОН!

«O'zparavtotrans» AJ бошқарув раисининг молия бўйича уринбосари

лавозимига танлон эълон қилинади.

Танловда иштирок этиш учун қизиқиш билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва чет-эл давлатлари фуқаролари таклиф этиладилар.

Танлов Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини химоя қилиш тугрисидаги» қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув замонавий методларини жорий этиш тугрисида»ги 2015 йил 24 апрелдаги 4720-сонли қарори, жамият устави ва «O'zparavtotrans» Акциядорлик жамиятида бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларини танлов асосида саралаб олиш» Регламенти асосида эълон қилинган.

Жойлашиш манзили: Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, Карши шоссеси.

Фаолиятининг асосий йуналишлари: автотранспорт хизматлари.

Лавозим номи: «O'zparavtotrans» AJ бошқарув раисининг молия бўйича уринбосари.

Вазифалар: Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва «O'zparavtotrans» AJ уставига асосан жамиятнинг барча фаолият турларига умумий раҳбарлик қилиш.

Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар:

Олий (иқтисодий) маълумот;

Мехнатни муҳофаза қилиш, техника фавсизлиги, ишлаб-чиқариш санитарияси, ёнгин хавфсизлиги ва саноат хавфсизлиги қоидалари ва нормаларини билиш;

Тил билиш: ўзбек ва рус тилларида эркин мулоқот, чет-эл тилларини билиш қадирланади;

Жамият фаолиятига тегишли Ўзбекистон Республикаси қонун актларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси давлат активларини бошқариш Агентлиги, маҳаллий ҳокимлик органлари ҳамда бошқа раҳбарлик ва норматив ҳужжатларни, корпоратив бошқарув принципларини билиш;

Мутахассислик бўйича 5 йилдан кам бўлмаган муддат давомида тажрибага эга бўлиш.

Танловда иштирок этиш учун номзод жамиятга такдим этиши шарт булган хужжатлар:

- такдим этилган хужжатлар руйхати ва алока маълумотлари курсатилган холда танловда иштирок этиш учун ариза;

- шахсини тасдикловчи хужжат нусхаси, меҳнат дафтарчаси нусхаси ёки меҳнат тажрибасини тасдикловчи хужжат, олий маълумот тугрисидаги хужжат нусхаси, ҳамда кушимча маълумотга эга булганлиги тугрисидаги хужжатлар нусхаси;

- 1-иловага асосан шаклда номзод анкетаси;

- танлов таклифи (алохида конвертда елимланган холда такдим этилиши шарт).

Танлов таклифи номзод томонидан ҳақиқатдаги молия-хужалик фаолияти курсаткичлари асосида ишлаб чиқиладиган ва уртаистикболда корхонани ривожлантиришни стратегик режасини кузда тутилган булиши керак, бунда:

- корхонани келгуси йилга бошқариш буйича аниқ режаси;

- жамиятда мавжуд булган мақсадларни самарали бажариш ва хатарларни таҳлил қилиш натижалари, ҳамда корхона техник-иктисодий ва молиявий курсаткичларини яхшилаш ва рақобатбардошлигини ошириш буйича таклиф;

- корхонани ривожлантириш учун инвестиция жалб қилиш буйича таклиф;

- корхонани асосий молия-хужалик фаолияти курсаткичларини яхшилаш буйича қутиладиган таклиф;

- жамиятда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш буйича таклиф.

Танлов ўтказиладиган кун: 2020 йил 9-сентябр.

Аризалар илова қилинган хужжатлар билан 2020 йил 8-сентябргача; душанба-жума кунлари 08.00 дан 17.00 гача (махаллий вақт буйича) Бухоро вилояти, Коровулбозор туман, Карши шоссе манзили буйича қабул қилинади. Электрон манзил: манзил: uzparavtotrans@mail.ru (<mailto:uzparavtotrans@mail.ru>). Алока учун телефон: +998945404567, +99899 4197586.

Танлов ўтказилиши билан боғлиқ қушимча маълумот олиш учун жамият ходимларни бошқариш бўлимига мурожаат этишингизни сураймиз.

04.09.2020

Источник: <http://openinfo.uz/ru/announce/9503/>

Дата: 25.09.2021